

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ВАЗИРЛАР МАҲҚАМАСИНИНГ  
ҚАРОРИ**120** **Этил спирти ва алкоғолли маҳсулотлар ишлаб чиқариш фаолиятини лицензиялаш тўғрисидаги низомга ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш ҳақида**

Алкоғолли маҳсулотлар, ва биринчи навбатда, кичик ва хусусий бизнес субъектлари томонидан натурал винолар ишлаб чиқариш самарадорлигини ошириш мақсадида Вазирлар Маҳкамаси **қарор қилади:**

1. Вазирлар Маҳкамасининг 2005 йил 30 декабрдаги 285-сон қарори (Ўзбекистон Республикаси ҚТ, 2005 й., 12-сон, 68-модда) билан тасдиқланган Этил спирти ва алкоғолли маҳсулотлар ишлаб чиқариш фаолиятини лицензиялаш тўғрисидаги низомга иловага мувофиқ ўзгартириш ва қўшимчалар киритилсин.

2. Вазирлар Маҳкамасининг этил спирти ва алкоғолли маҳсулотлар ишлаб чиқариш, тамаки хом ашёсини ферментациялаш ва тамаки маҳсулотлари ишлаб чиқариш фаолиятини лицензиялаш комиссиясининг ишчи гуруҳи лицензиатлар томонидан натурал вино ишлаб чиқариш бўйича мавжуд қувватлардан фойдаланилиши юзасидан доимий мониторинг олиб борсин ва даврий асосда Комиссияга таклифлар киритсин.

3. Мазкур қарорнинг бажарилишини назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг биринчи ўринбосари Р.С. Азимов зиммасига юклансин.

**Ўзбекистон Республикасининг**  
**Бош вазири**

**Ш. МИРЗИЁЕВ**

Тошкент ш.,  
2011 йил 25 март,  
89-сон

Вазирлар Маҳкамасининг  
2011 йил 25 мартдаги 89-сон қарорига  
ИЛОВА

**Вазирлар Маҳкамасининг 2005 йил 30 декабрдаги  
285-сон қарори билан тасдиқланган Этил спирти ва  
алкоголли маҳсулотлар ишлаб чиқариш фаолиятини  
лицензиялаш тўғрисидаги низомга киритилаётган  
ўзгартириш ва қўшимчалар**

1. 2-бандда:

- а) «в» кичик бандга «таркибида спирт бўлган ярим тайёр маҳсулотлардан (дон маҳсулотларидан) тайёрланган спирт» сўzlари қўшилсин;
- б) «д» кичик банддаги «мева-резавор мевадан» сўzlари «мева-резавор маҳсус мевадан» сўzlари билан алмаштирилсин;
- в) қуйидаги мазмундаги «д-1» кичик банд қўшилсин:  
«д-1) табиий ачиган натурал вино (этил спирти қўшилмаган)»;
- г) «ж» кичик бандга «виски» сўзи қўшилсин;

2. 7-бандда:

- а) ўн биринчи хатбоши қуйидаги тахрирда баён қилинсин:  
«алкоголли маҳсулотлар ишлаб чиқариш бўйича мавжуд йиллик қувватлардан камида 60 фоизга фойдаланилиши таъминланиши. Ушбу талаб фақат табиий ачиган натурал вино (этил спирти қўшилмаган) ишлаб чиқарувчи ихтисослаштирилган корхоналарга, шунингдек ишлаб чиқариш қувватлари лицензияга боғлиқ бўлмаган вазиятларга кўра фойдаланилмаган ҳолларда татбиқ этилмайди»;
- б) ўн иккинчи хатбоши қуйидаги тахрирда баён қилинсин:  
«халқаро стандартларга мувофиқ бўлган сифатни бошқариш ва ҳисобга олиш тизимини жорий этиш».

3. 9-бандда:

- «в» кичик бандга «ушбу шарт фақат табиий ачиган натурал вино (этил спирти қўшилмаган) ишлаб чиқарувчи ихтисослаштирилган корхоналарга татбиқ этилмайди» сўzlари қўшилсин;
- «г» кичик бандга қуйидаги мазмундаги жумла қўшилсин:  
«Технология линиялари ва асбоб-ускуналари замонавий, янги ва белгиланган тартибда сертификатланган бўлиши керак»;
- «ж» кичик бандга «шунингдек фақат табиий ачиган натурал вино (этил спирти қўшилмаган) ишлаб чиқарувчи ихтисослаштирилган корхоналар» сўzlари қўшилсин;

4. 10-банднинг «г» кичик банди қуйидаги тахрирда баён қилинсин:

- «г) алкоголли маҳсулотлар ишлаб чиқариш бўйича мавжуд йиллик қувватлардан камида 60 фоизга фойдаланилишини таъминлаш (фақат табиий ачиган натурал вино (этил спирти қўшилмаган) ишлаб чиқарувчи ихтисослаштирилган корхоналар учун, ишлаб чиқариш қувватларининг даражаси мониторинг натижаларига кўра белгиланади). Ушбу шарт ишлаб чиқариш

қувватлари лицензияга боғлиқ бўлмаган ҳолатларга кўра фойдаланилмаган ҳолларга татбиқ этилмайди».

5. 37-банд қуйидаги тахрирда баён қилинсин:

«37. Этил спирти ва алкогольли маҳсулотлар ишлаб чиқариш фаолияти-ни амалга ошириш ҳуқуқи учун лицензия берганлик ва унинг амал қилиш муддатини узайтирганлик учун қуйидаги миқдорларда давлат божи ундирилади:

а) қуйидагилар саноат асосида ишлаб чиқарилганда энг кам ойлик иш ҳақининг 1000 баравари миқдоридан:

ароқ ва ликёр-ароқ маҳсулотлари;

даражаси паст (пиводан ташқари) ва ўткир спиртли ичимликлар, дам-ламалар ва ликёрлар;

вино ичимликлари: ўткирлиги 4 ҳажмли фоиздан 8 ҳажмли фоизгача бўлган паст даражали ичимликлар, ўткирлиги 9 ҳажмли фоиздан 28 ҳажмли фоизгача бўлган ўткир ичимликлар;

б) қуйидагилар саноат асосида ишлаб чиқарилганда энг кам ойлик иш ҳақининг 200 баравари миқдоридан:

озиқ-овқат спирти, тозаланган спирт, шу жумладан узум ва мева-резавор мевадан тайёрланган спирт;

коньяк ва кальвадос спирти, таркибида спирт бўлган ярим тайёр маҳсулотлардан (дон маҳсулотларидан) тайёрланган спирт;

коньяк (бренди), коньяк ичимликлари ва кальвадослар, бальзамлар, виски;

узум ва мева-резавор маҳсус мевадан ҳамда таркибида спирт бўлган ярим тайёр маҳсулотлардан тайёрланган винолар;

в) қуйидагилар саноат асосида ишлаб чиқарилганда энг кам ойлик иш ҳақининг 100 баравари миқдоридан:

шампан виноси, кўпикланадиган ва газли винолар;

узум ва мева-резавор мевадан тайёрланган спирт хом ашёси;

г) қуйидагилар саноат асосида ишлаб чиқарилганда энг кам ойлик иш ҳақининг 50 баравари миқдоридан:

узумдан (тозаланган ва тозаланмаган) ва мева-резавор мевадан, шунинг-дек таркибида спирт бўлган ярим тайёр маҳсулотлардан (дон маҳсулотларидан) тайёрланган виноматериаллар;

табиий ачиган вино (этил спирти қўшилмаган).

Лицензиялар берганлик учун давлат божи маблағлари республика бюджетига ўтказилади».